## БУТУНИТТИФОҚ ЛЕНИНЧИ КОММУНИСТИК ЁШЛАР СОЮЗИНИНГ XVIII СЪЕЗДИ

# ВЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ҲИСОБОТИ

(Боши 3-бетда).

Ҳар қандай коллективда донгдор кишилар борки, уларнинг ҳаёти ва фаолияти ёшлар учун коммунистик ахлоқ-одобнинг яққол намуналари бўлиб хизмат қилади. Етмишинчи йиллар комсомоли сафларида ҳам ана шундай кишилар бор. Ғаллакор Анатолий Мерзлов, учувчи Юрий Козловский, солдат Рефқат Миргазизов, машҳур космонавтларимиз шулар жумласига киради. Уларнинг юксак ахлоқ-одоб намунаси бўлган тақдири, мардлиги ҳаётда ҳамиша ҳам жасорат кўрсатиш мумкинлигини яққол исботлаб турибди. Уларнинг намунаси — ёшларни маънавий жиҳатдан тарбиялайдиган ва улар ўзини ўзи тарбиялайдиган энг яхши мактабдир. Жасорат — инсоннинг синов пайтигача бутун ҳаётида ҳосил бўлган хислатлар намоён бўладиган бир лаҳзадир.

Докладчи белорус комсомоли Михаил Морознинг жасоратини ана шундай ёрқин ҳаёт намунасидир, деб атади. Унинг комсомол билетига шундай сўзлар ёзиб қўйилди: «Портловчи снарядни даладан олиб чиқди, ўзини қурбон қилиб, одамларни омон сақлаб қолди».

Илк ўсмирлик чоғи инсон ҳаётидаги алоҳида даврдир. Ўсмирларни тарбиялаш соҳасида ибратли тажриба тўплаган кўпгина комсомол ташкилотлари докладда тилга олиб ўтилди.

Оиладаги тўғри тарбия — умуман жамият ахлоқий соғломлигининг гаровидир. Мактабдаги, пионер ва комсомол ташкилотларидаги ҳамда оиладаги талабларнинг бирлиги катта аҳамиятга эгадир. Шундай бирлик бўлмаган жойда бизга ёт ахлоқ кўринишлари рўй бериши мумкин.

Совет халқи, давлатимиз ёшларининг маънавий дунёсини бойитиш, уларни эстетик жиҳатдан тарбиялаш учун жуда катта имкониятларни яратиб қўйганлар. Докладда бу проблемаларга кўп ўрин берилган. ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари айтдики, КПСС Марказий Комитетининг «Ижодкор ёшлар билан ишлаш тўғрисида»ги қарори адабиётимиз билан санъатимизнинг келажаги ҳақидаги оталарча ғамхўрлик руҳи билан суғорилган. Ҳисобот даврида комсомол ташкилотларининг ёшларни ғоявий-бадиий жиҳатдан ўстириш масалаларига эътибори кучайди.

Комсомол касаба союз, физкультура ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда жисмоний тарбия масалаларига зўр эътибор берди. ВЛКСМ XVIII съездидан кейин 40 миллион йигит ва қиз «Меҳнатга ва СССР мудофаасига тайёр» комплекси нишонларини олдилар. Мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, студентлар, ишчи ва қишлоқ ёшларининг оммавий спорт мусобақалари одат тусига кириб қолди.

Шу билан бирга биз партиянинг оммавий спорт ҳаракатининг жон-тани, етакчи кучи бўлиш тўғрисида комсомол олдига қўйган талабини бажариш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак. ВЛКСМ аъзоларининг атиги ярми спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. кўпгина комсомоллар ҳали ҳам ГТО нишонларини олганлари йўқ.

Докладчи ёшларнинг ўқиши, тарбиясини янада такомиллаштириш ҳамда уларни ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашда Ленин комсомолининг иштироки тўғрисида гапирди.

Мамлакатда 40 миллиондан кўпроқ ўқувчи бор, 4 миллионга яқин йигит-қиз ҳунар-техника билим юртларида ўқимоқда, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари 9,7 миллион мутахассис тайёрламоқда.

Партия XXV съезд қарорларини амалга ошира бориб, халқ маорифини ривожлантиришда сифат жиҳатидан янги бир босқични белгилаб берди. Мактабларнинг комсомол ташкилотлари билим сифатини оширишда партия ташкилотлари ва педагогик коллективларга актив ёрдам бердилар. ВЛКСМ Марказий Комитети Олтой ўлкаси, Куйбишев, Псков, Рязань областлари, Новосибирск шаҳри комсомол ташкилотларида ўқувчиларни ғоявий-сиёсий, меҳнатсеварлик руҳида ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш борасида орттирилган тажрибаларни умумлаштирди.

Ёшларни моддий ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат қилишга, касб-ҳунарни асосли равишда танлашга тайёрлашни яхшилашга мактабларни қатъиян буриш зарурлигини комсомоллар, ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар чуқур англамоқликлари керак. Ёшларнинг бирмунча қисми меҳнат нималигини билмай, меҳнатга етарли ҳурмат-эътибор кўрсатмай ва унга одатланмай ўсаётганлиги кишини ташвишлантиради.

Ўрта мактабларни битириб чиқувчиларни Ноқоратупроқ зонанинг ўзгартирувчилари бўлишга даъват этган ёш костромаликларнинг ватанпарварлик ташаббуси бутун мамлакатга маълум. Икки йил ичида 2330 йигит ва қиз Кострома областининг колхоз ва совхозларига келиб, механизатор, чорвадор, далачи бўлиб ишламоқда. Шуларнинг ҳар иккисидан бири меҳнатни олий ўқув юртида ёки техникумда ўқиш билан қўшиб олиб бормоқда. Мамлакатда ўрта мактабларни битирувчилардан 550 минг киши костромалик ёшлардан ўрнак олдилар. Эндиликда комсомол комитетларининг вазифалари костромаликлар орттирган бу тажрибани янада активроқ ёйишдан иборатдир.

Ҳар бир ёшни мустақил ҳаёт кечиришга тайёрлаш — унга билим ва меҳнат кўникмаларини беришнинг ўзи билангина чекланмайди. Мустақил ҳаётга тайёрлаш уни коллективизмга, интизомга ўргатиш, унда ҳаёт тўғрисида реал тасаввур ҳосил қилиш, воқеликнинг турли ҳодисаларини таҳлил эта билиш маҳоратини тарбиялаш кераклигини ҳам билдиради. Хуллас, дастлабки ҳаётий тажриба деб аталмиш тажрибани вужудга келтириш керак бўлади. Бундай тажрибани эгаллаган йигит-қиз меҳнат коллективига бемалол кириб кета олади. Шундай тажрибани шакллантиришда мактаб комсомол ташкилотларининг роли янада каттароқ бўлмоғи керак.

Сафларида йигирма миллиондан ортиқ пионерлар бўлган пионер ташкилотига раҳбарлик қилиш — ВЛКСМ ишининг алоҳида участкасидир. В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ пионер ташкилоти мактаб, оила ва жамоатчилик билан биргаликда ёш гражданларни коммунистик руҳда тарбиялашда актив қатнашмоқда.

Пионерлар билан ишлаш қалб ҳароратини, педагогик маҳорат ва билимларни талаб қилади. Бу соҳада фойдаланилмаган имкониятлар ҳали кам эмас.

Болалар ва ўсмирларни ҳар томонлама камол топтиришда, уларни ахлоқий ва жисмоний чиниқтиришда мактабдан ташқари муассасалар ва пионер лагерлари катта роль ўйнайди. Ўтган йил ёз фаслида 51 минг пионер лагерларида қарийб 11 миллион болалар ва ўсмирлар дам олди.

Аммо болалар билан ишлаш учун каникул имкониятларидан ҳали тўла-тўкис фойдаланилаётгани йўқ.

Ёшларни ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашда ҳунар-техника таълими системаси тобора муҳим ўрин эгалламоқда. Шу беш йилликда бу борада ўн бир миллион йигит-қиз илк меҳнат чиниқиши олади. Москва ва Ленинграддаги, Украина ва Уралдаги, Литва ва Татаристондаги, Белгород области ва Камчаткадаги ҳунар-техника мактаблари катта обрў қозонмоқда. Улар партия ташкилотларининг раҳбарлигида ёш ишчи ўринбосарларининг коммунистик ва меҳнат маҳоратларини тарбияловчи чинакам мактаб бўлиб қолди.

Комсомол ташкилотлари КПСС Марказий Комитети, ўртоқ Л. И. Брежневнинг топшириғини бажара бориб, ҳунар-техника билим юртларини оталиққа олдилар. ВЛКСМнинг XVII съездидан кейин комсомол йўлланмалари билан ҳар йили миллионга яқин йигит-қизлар ҳунар-техника билим юртларига ўқишга келди. Ҳунар-техника билим юртларининг кадрлари мустаҳкамланди. Эндиликда ҳар беш мастердан, билим юрти муаллимидан бири комсомолдир. Ҳунар-техника билим юртлари билан база корхоналари коллективларининг биргаликдаги иш кўришлари муваффақиятли ўтмоқда.

Мамлакатимиздаги техника билим юртлари ўрта мактабларни битириб чиқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлашда тобора кенгроқ ривож топмоқда. Комсомол ташкилотларининг вазифаси йигит-қизларнинг шу билим юртларида ишчи ҳунарларини эгаллашга интилишини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Билим юртларини комплектлашни, янги ҳунар-техника билим юртларини қуриш ва ишлаб турганларни реконструкция қилиш, ўқув моддий базани мустаҳкамлаш устидан оталиқ анчагина яхшиланишни тақозо қилади. Ҳали барча меҳнат коллективлари министрликлар ва идоралар ҳам ҳунар-техника билим юртлари тўғрисида етарли даражада ғамхўрлик қиляптилар, деб бўлмайди.

Олий ўқув юртлари ва техникумларнинг комсомол комитетлари, комсомол ташкилотлари ВЛКСМ XVII съезди қарорларини бажара бориб студентлар ва ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялашда партия ташкилотларига, профессор-ўқитувчилар коллективларига ҳар томонлама ёрдам бермоқдалар. Бугунги кунда бўлғуси мутахассисларнинг қарийб ярми «яхши» ва «аъло» баҳоларда ўқимоқда, 400 мингдан ошиқ киши Ленин стипендиати ва бошқа хил стипендиатлар, ўқиш аълочиларидир.

Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ўқув юртларига янги ўқувчилар қабул қилиш тўғрисида ғамхўрликдан бошланади. 638 ўқув юртлари ҳузурида ташкил этилган тайёрлов бўлимларида юз мингдан ошиқ ёш ишчи ва колхозчилар шуғулланмоқда. Комсомол бўлғуси студентлар тайёрлашнинг мана шу формасига катта эътибор бериши керак.

Одатда ишлаб чиқаришдан ўқув юртига келган йигит-қизлар бўлғуси касбларни танлаб олишда анча изчилдирлар. Уларнинг кўплари кечаги кунда ишлаб чиқариш зарбдорлари бўлса, бугунги кунда ўқиш аълочиларидир. Грузия қишлоқ хўжалик институтининг II-курс студенти, республика комсомоли Марказий Комитетининг аъзолигига кандидат Тина Черкезишвили номини докладчи айтиб ўтди.

Докладда студент қурилиш отрядлари, студентларнинг илмий-техника ижодкорлигига, ўқувчи ёшлар ҳаётининг бошқа масалаларига эътибор берилди.

Бизнинг замонамизда, деди Б. Н. Пастухов, барча соҳаларда билим олиш шу қадар жадаллашиб боряптики, уни доим тўлдириб, янгилаб туриш зарур бўлиб қолди. Ҳар уч совет гражданининг бири ўқимоқда, 28 миллионга яқин киши ҳар йили ўз малакасини оширмоқда. Ишчилар, колхозчилар ва хизматчилардан 2 миллионга яқин киши ҳар йили ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўрта, ўрта махсус ва олий маълумот олмоқда. Ана шу рақамларнинг ҳар бири катта ижтимоий ҳодисани, реал кишини — кечки ўқувчини, сиртқи студентни мужассамлаштиради.

Биз ҳар бир синов, ҳар бир имтиҳон кўп куч-ғайратни талаб этаётганлигини биламиз. Кечки ва сиртқи ўқувчиларга зўр эътибор ва ғамхўрлик қилиш, улар учун имтиёзлар бериш тўғрисидаги қонундан тўлароқ фойдаланиш — бизнинг маънавий бурчимиздир.

Нотиқ ташкилотчилик ишлари ва ВЛКСМни янада ривожлантириш масалаларига тўхталиб, партиянинг ёрдамчиси ва резерви бўлган комсомолнинг ролини ошириш кўп жиҳатдан комсомол сафлари составига, комсомолларнинг онглилиги ва уюшқоқлиги даражасига, барча комсомол ташкилотларининг жанговарлик қобилиятига, комсомол иш услубининг мазмунини чуқурлаштириш ва такомиллаштиришга, бу ишнинг самарадорлиги ва сифатини оширишга боғлиқ эканлигини таъкидлади.

ВЛКСМ барча совет ёшларининг чинакам оммавий ташкилотидир. Ҳозирги пайтда унинг сафларида 37 миллион 807 минг 399 йигит ва қиз бор, ёки ВЛКСМ аъзолари мамлакат ёш авлодининг ярмидан кўпроғини ташкил этади. Комсомолларнинг 58 проценти халқ хўжалигида, давлатнинг бошқарув органлари ва маданият соҳасида ишламоқда.

ВЛКСМ XVII съездидан кейин 19 миллиондан зиёд киши комсомол сафига кирди. Комсомол ташкилотлари ёш ишчиларни ўз сафларига актив жалб эта бошладилар. Комсомол ана шу илғор отряднинг маънавий-ахлоқий кайфияти — барча совет ёшларининг социал оптимизми, меҳнат ғайрат-шижоати ва революцион собит қадамлиги манбаидир.

ВЛКСМ сафларини ўстириш ва мустаҳкамлаш, сифат составини яхшилаш, бундан буён ҳам ВЛКСМ Марказий Комитетининг комсомол комитетлари ва бошланғич комсомол ташкилотларининг диққат марказида туриши лозим.

Комсомол ҳужжатларини алмаштириш комсомол ҳаётидаги энг муҳим тадбир бўлди. Бу тадбир ҳар бир ташкилотни, ҳар бир комсомол аъзосини қамраб олди. У партиянинг йўл-йўриқларига, ВЛКСМ XVII съездининг қарорларига тамомила мувофиқ равишда амалга оширилди. Комсомол ҳужжатларини алмаштиришнинг асосий якуни шундан иборатки, Ленин комсомоли ўз сафларини Коммунистик партия ва унинг Марказий Комитети теварагига янада маҳкам жипслаштирди, ташкилий ва сиёсий жиҳатдан мустаҳкамланди, унинг ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги бутун фаолияти сермазмун бўлиб қолди, комсомолларнинг ижтимоий-сиёсий активлиги ошди, интизоми кучайди.

Янги нусхадаги 1-комсомол билети ва ВЛКСМнинг олтин фахрий нишони КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга топширилганлиги чуқур рамзий маънога эгадир.

Партия ВЛКСМ олдига қўяётган вазифалар кўлами унинг ташаббускорлиги ва фаолиятини янада ривожлантиришни, ҳар бир комсомол аъзосининг активлигини оширишни талаб этади.

Съездимиздан олдин комсомолда ўтказилган ҳисобот ва сайлов СССР янги Конституцияси умумхалқ муҳокамасига қўйилган ва бу Конституция кучга кирган ҳамда Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига тайёргарлик ва Октябрь байрами ўтказилган бир пайтга тўғри келди. Ана шу тарихий воқеалар комсомолларнинг улкан ғайрат-шижоатини, ҳақиқатан ҳам мисли кўрилмаган активлигини кўп жиҳатдан белгилаб берди.

Комсомол ҳужжатларини алмаштириш, СССР Конституцияси лойиҳасини муҳокама қилиш ва ҳисобот-сайлов кампанияси даврида ВЛКСМ Уставига баъзи ўзгартишлар киритиш зарур эканлиги тўғрисидаги мулоҳазалар баён қилинди. Бу ўзгартишлар КПСС XXV съездининг материалларидан, СССР янги Конституциясидан келиб чиқади ва ривожланган социализм шароитида ВЛКСМ фаолияти олдига қўйилаётган талабларни тўлиқ акс эттиради. Комсомол Марказий Комитети ВЛКСМ Уставига киритиладиган қўшимча ва ўзгартишлар лойиҳасини съезд делегатлари муҳокамасига тақдим этади. Нотиқ ана шулар ҳақида съездга маълум қилди.

Ҳозирги комсомол — катта ва мураккаб организмдир, — деди сўнгра Б. Н. Пастухов. — ВЛКСМ составида 14 республика, 155 ўлка ва область, 4 минг 308 округ, шаҳар ва район, 428 минг бошланғич ташкилотлар бор. Комсомол амалий ишлари миқёсларининг ўсиб бораётганлиги, янги кишини тарбиялаш вазифаларининг муҳимлиги комсомолнинг ҳар бир бўғинини доим ташкилий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш, комсомол ташкилотларига раҳбарликни такомиллаштириш зарурлигини тақозо этади.

Докладда СССР Конституцияси берган имкониятлардан тўлиқроқ фойдаланиш, Советлар фаолиятида янада актив қатнашиш, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни яхшилаш зарурлигига эътибор берилди. Комсомол ёшларни тарбиялаш билан шуғулланувчи давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш соҳасида катта тажриба орттирди, уларнинг раҳбар органларида комсомолнинг кўпгина вакиллари бор. ВЛКСМ Марказий Комитети ўтган йиллар давомида давлат органлари билан биргаликда ёшлар ҳаётига тааллуқли кўпгина масалаларни кўриб чиқди.

Партиямизнинг ташқи сиёсат соҳасидаги изчил йўли — Лениннинг Сулҳ тўғрисидаги декретидан тортиб, тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун бундан буёнги курашнинг КПСС XXV съезди ишлаб чиққан программасигача етиб келди.

Ленин комсомоли, барча совет ёшлари КПССнинг халқаро фаолиятини, совет давлатининг тинчликсевар ташқи сиёсатини, партия XXV съезди ишлаб чиққан ташқи сиёсат йўлини амалга ошириш соҳасидаги конкрет тадбирларни тўла-тўкис маъқулладилар ва астойдил қўллаб-қувватлайдилар. Халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги учун, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланиш учун ҳормай-толмай жўшқин кураш олиб бораётган ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўп қиррали фаолияти тўғрисида совет йигит ва қизлари сидқидилдан қизғин миннатдорчилик ва ташаккур билдирмоқдалар.

Ленин комсомоли ВЛКСМ XVII съезди қарорларини бажара бориб, партиянинг ташқи сиёсий йўлини амалга оширишда актив қатнашишга интилди, ўзининг халқаро фаолиятини анча кенгайтирди, бутун куч-ғайратини коммунистик ғояларни ва ривожланган социализм қуриш практикасини пропаганда қилишга, коммунистик ёшлар союзларини, бутун демократик ва тараққийпарвар ёшлар ҳаракатини янада жипслаштиришга, ёшларнинг кенг сиёсий кучлари ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратди.

Мамлакатимизда кўпгина халқаро ва икки томонлама тадбирлар ўтказилди. Бу тадбирлар тараққийпарвар ёшларнинг улуғ Ленин абадий барҳаёт ғояларига, коммунистик қурилишнинг жонли практикасига қизиқиши ўсиб бораётганлигини яна бир карра намойиш қилди.

Ёшлар ҳаракатининг совет ёшлари ташаббуси билан кейинги йилларда ўтказган жуда муҳим ишлари тараққийпарвар ёшларнинг ана шу идеалларига эришиш йўлидаги курашга конкрет ҳисса қўшишга азму-қарор берганликларининг яққол кўриниши бўлди.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг қардош ёшлар союзлари — социализм ва коммунизм қурилишида коммунистик ва ишчи партияларнинг актив ёрдамчилари — халқаро демократик ёшлар ҳаракатида пешқадамлик қилмоқдалар. Совет ёшлари социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ёш авлоди билан дўстлик ва қардошликнинг мустаҳкам ришталари билан боғланганлар.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг социализм мамлакатлари ёшлар союзлари раҳбарлари билан учрашуви социалистик давлатлар йигит ва қизларининг дўстлигини ривожлантириш, уларнинг жипслигини мустаҳкамлаш учун жуда катта, мислсиз аҳамиятга эгадир. Шу учрашувда Леонид Ильич Брежнев: «...Янги инсонни, бизнинг социалистик идеологиямизни қабул қилиб олган, сиёсий ва ахлоқий муносабатларда намуна бўла оладиган, социализм ва коммунизм идеалларига садоқатли инсонни» тарбиялаш ишининг актуаллигини таъкидлади.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари съезд минбаридан туриб Ленин комсомоли номидан ишонтириб айтдики, партия пролетар интернационализми руҳида, Ленин васиятларига астойдил садоқат руҳида тарбияланган ВЛКСМ, совет ёшлари социалистик мамлакатларнинг ёш авлоди билан қардошларча дўстлик, ҳар томонлама ҳамкорликни бундан буён ҳам бутун чоралар билан мустаҳкамлайверадилар. Улар билан яқинлашишга кўмаклашаверадилар.

Умумий курашдаги мустаҳкам ҳамкорлик Ленин комсомолининг капиталистик мамлакатлардаги қардош ёшлар союзлари билан алоқалари характерини белгилаб турибди.

Қурол-яроғларни чеклаш ва қуролланиш пойгасини тўхтатиш йўлидаги актив ҳаракатга ёшлар кенг оммасини жалб этиш ҳозирги кунда жуда муҳим вазифа бўлиб қолди. Бизнинг фикримизча, тинчлик учун, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланиш учун кураш олиб бораётган ёшларнинг ваколатли халқаро учрашувини ўтказиш ана шу мақсадга мос бўлиб тушган бўлур эди.

Жаҳоннинг демократик ёшлари нейтрон ажали маддоҳларининг ёвуз режаларига «Нейтрон бомбага йўл йўқ!» деган шиор остида бутун жаҳонда ўтказилаётган кампанияда оммавий равишда ва актив иштирок қилиш билан жавоб беришига аминмиз!

Ленин комсомоли болаларнинг ҳуқуқларига бағишланган халқаро конференцияни, ёшлар ва студентларни билим ва маданиятдан баҳраманд қилиш проблемаларига бағишланган жаҳон миқёсидаги учрашувларни ўтказишни муҳим, деб ҳисоблайди.

Демократик ёшлар федерацияси ва Халқаро студентлар иттифоқи ёш авлоднинг тинчлик, демократия ва тараққиёт кучлари томонида туриб олиб борадиган курашини янада кучайтиришда катта роль ўйнайди. Булар планетадаги тараққийпарвар ёшларнинг энг нуфузли ва энг оммавий бирлашмаларидир.

Ёшлар ва студентларнинг Кубада ўтказиладиган XI жаҳон фестивали тараққийпарвар ёшларнинг антиимпериалистик бирдамлиги ва дўстлигини мустаҳкамлашда, ёшлар кенг сиёсий кучларининг ҳамкорлигини ривожлантиришда муҳим босқич бўлади. Фестиваль ҳаракатининг бутун тарихида бу фестиваль ғарбий ярим шарда, қардош социалистик Куба диёрида ўтказилади. Совет ёшлари XI жаҳон фестивалига зўр ғайрат билан тайёргарлик кўрмоқдалар. Бундай тайёргарлик барча қитъаларда кенг авж олди. Комсомол ташкилотларида, ёшларнинг коллективларида Советлар мамлакатининг ёш авлоди номидан ана шу ажойиб анжуманда қатнашишдек фахрли ҳуқуқни олиш учун мусобақалар давом этмоқда.

Сўнгра Б. Н. Пастухов бундай деди:

Ленин комсомоли олтмиш йиллик тарихий йўлда қўлга киритган улкан ва беқиёс бойлиги учун, аввало, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг кун сайин зўр меҳрибонлик ва эътибор билан қилаётган раҳбарлигидан миннатдордир. Комсомолнинг кучи, ғайрат-шижоатимиз ва илҳомимизнинг битмас-туганмас манбаи партия раҳбарлигидадир. Партия ташкилий ва сиёсий тажрибани комсомолга қунт билан ўргатмоқда, комсомолнинг ташаббуси ва фаолиятини ижодий тарзда ривожлантириб, ёшларнинг етакчиларини тарбиялаб ўстирмоқда, комсомолда партиявий ўзакни мустаҳкамламоқда.

Ёшлар билан ишлаш масалалари иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка ва область, шаҳар ва район партия комитетларининг, бошланғич партия ташкилотларининг диққат марказида турибди. Комсомол КПСС Марказий Комитетининг, унинг Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюросининг чинакам ленинча ғамхўрлигини доим сезиб турибди.

1978 йилда ВЛКСМнинг 60 йиллиги нишонланади. Бу — комсомол ташкилотларининг КПСС XXV съезди ва комсомол XVIII съезди қарорларини бажариш соҳасидаги ишлари кўрикдан ўтказиладиган йил ҳамдир. Юбилей кунларида «Ленин васиятларига содиқмиз» деган мавзуда ўтказиладиган Бутуниттифоқ комсомол йиғилиши, пионерларнинг «Комсомол, биз сенинг содиқ ўринбосарларингмиз» деган мавзуда уюштириладиган Бутуниттифоқ сбори комсомолнинг партия олдидаги коллектив ҳисоботи бўлади. Улар комсомол ва ёшларнинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитети теварагига жипслашганлигининг янги намойиши бўлиб қолади.

Ленин мамлакати ёшлари учун партия ишига хизмат қилиш бахтидан ҳам катта бахт йўқ. Бизнинг келажакдаги йўлимиз партия идеаллари нури билан худди қуёшдек ёритилган.

Ҳарорат ва нурсиз яшаш мумкин бўлмаганидек, жонажон Коммунистик партиясиз яшашимиз, меҳнат қилишимиз, кураш олиб боришимиз ҳам мумкин эмас. Партия халқнинг, бинобарин барча ёшларнинг ҳам ақл-идроки ва қалбидир.

Биз партия, сенга қасамёд қилиб айтамизки, Октябрнинг музаффар байроғини, Ленин байроғини — сенинг байроғингни доим баланд кўтариб борамиз!

Биз Ленин ишининг, коммунизм ишининг тантанаси учун куч-ғайратимизни, зарур бўлиб қолган тақдирда эса жонимизни ҳам аямаймиз, деб қасамёд қиламиз!

(ТАСС).

# СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

24 апрелда СССР Министрлар Советининг бўлиб ўтган мажлисида СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планининг ҳамда СССР Давлат бюджетининг 1978 йил 1 кварталида бажарилиш якунлари муҳокама қилинди.

КПСС XXV съездининг ва КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленумининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда қилган докладидаги қоидалар ва хулосаларни амалга ошириш, шунингдек КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, меҳнаткашларига Мактуби муносабати билан социалистик мусобақа кенг авж олдирилганлиги натижасида Совет Иттифоқи меҳнаткашлари 1978 йилнинг 1 кварталида мамлакат экономикасини ривожлантириш ва халқ фаровонлигини оширишда янги муваффақиятларга эришдилар.

1978 йилнинг I кварталида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1977 йилнинг I кварталидагига нисбатан 1978 йилги планда белгиланган 4.5 процент ўрнига 5.5 процент ўсди. Барча иттифоқдош республикалар ва саноат министрликлари саноат маҳсулотини реализация қилиш планини бажардилар. Саноатда I кварталда меҳнат унумдорлиги йиллик планда белгиланган 3,8 процент ўрнига 4.1 процент ошди. Сут, тухум, паррандани давлат йўли билан харид қилиш квартал плани ошириб адо этилди. Чорва мол харид қилиш ҳажми 1977 йилнинг I кварталидагига нисбатан кўпайди.

Социал программа муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ишчилар ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи I кварталда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3 процент, чакана товар обороти 4 процент кўпайди. Давлат капитал маблағлари ҳисобига жами сахни 7,8 миллион квадрат метр уй-жой қурилди.

Шу билан бирга мажлисда 1978 йил I квартал планини бажаришда юз берган камчиликлар ҳам қайд этилди.

СССР Министрлар Совети СССР министрларига, идораларнинг раҳбарларига ва иттифоқдош республикалар Министрлар Советига КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил декабрь Пленуми қарорларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Сибирь ва Узоқ Шарқ районларидаги сафари вақтида меҳнаткашлар, партия, хўжалик активлари билан учрашувлари ва суҳбатлари вақтида берган йўл-йўриқлари ва тавсияларига амал қилиб, 1978 йил I квартал планининг бажарилиш якунларини пухта анализ қилиб чиқиш, асосий куч-ғайратни 1978 йилги ва умуман беш йиллик план топшириқларини ва олинган социалистик мажбуриятларни бажаришни таъминлашга, кенг истеъмол молларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун қўшимча резервларни қидириб топишга сафарбар этишни назарда тутиш вазифасини юклади.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига, СССР Озиқ-овқат саноати министрлигига ва «Союзсельхозтехника»га кўкламги дала ишларини муваффақиятли ўтказиш, экиш планини сўзсиз бажариш, шунингдек қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш учун пухта замин яратиш мақсадида экинларни яхшилаб парвариш қилиш юзасидан қўшимча тадбирлар кўриш таклиф этилди.

Мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигин нутқ сўзлади.

СССР Министрлар Совети мажлисида КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ В. И. Долгих қатнашди.

# Ўзбекистон педагогларининг катта анжумани

(Боши биринчи бетда).

Ўзбекистон меҳнаткашлари Леонид Ильич ўртага қўйган вазифаларни бажара бориб, ўзларининг хўжалик ва маданий қурилишдаги муваффақиятларини ривожлантириш ва кўпайтиришга азми қарор берганлар. Бу муваффақиятлар СССР Конституциясида ҳамда Ўзбекистон ССРнинг куни кеча қабул қилинган янги Конституциясида ўзининг жуда яққол ифодасини топди. Асосий Қонуннинг кўпгина моддалари ўқитувчилар съезди ишини ёритиб турибди. Ана шу моддалар халқ маорифимизни янада ривожлантиришга, умумий таълим мактаблари янада такомиллаштирилишига, ёш авлодни тарбиялаш ва ўқитиш коммунистик қурилишнинг ўсиб бораётган вазифаларига мос келишига қаратилган.

Коммунистик партия билан Совет ҳукумати шуларнинг ҳаммаси тўғрисида жуда зўр ғамхўрлик қилмоқдалар. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «Умумий таълим мактаблари ўқувчиларини ўқитиш, тарбиялаш ва уларни меҳнатга тайёрлашни янада такомиллаштириш тўғрисида» яқинда қабул қилган қарор буни яққол тасдиқлайди. Қарор таълим ва тарбиянинг турмуш билан, коммунистик қурилиш практикаси билан алоқасини янада мустаҳкамлашнинг катта ва конкрет программасини белгилаб беради.

Республикамизда мактаб таълими гуркираб ривожланганлигини биз бугун зўр мамнуният билан қайд этамиз. Ҳар куни 3 миллион 800 минг ўқувчи мактабга қатнамоқда, улар учун шаҳар ва қишлоқларда салкам тўққиз ярим минг умумий таълим мактаби очиб қўйилган. Мактаблар структурасида диққатга сазовор ўзгаришлар содир бўлмоқда. Тўлиқ ўрта мактабларнинг муттасил ривожланиб бораётганлиги асосий тенденциядир. Ҳозир бизда ана шундай мактаблар ўн йил илгари бўлганига қараганда 2,5 баравар кўпдир.

«Мамлакатимизда мактаб ўқитувчиси — энг фахрли, халқ ғоят эъзозлайдиган касбларнинг биридир, — деди Леонид Ильич Брежнев Бутуниттифоқ ўқитувчилар съездида сўзлаган нутқида. — Инсон ҳаётда ким бўлмасин — ишчи ёки олим, космонавт ёки колхоз механизаторими, хуллас ҳар бир киши ўзининг биринчи ўқитувчисини, ўзининг мактабини миннатдорчилик ҳислари билан эслаб юради».

Ҳозирги кунда бизнинг ўқитувчи кадрларимиз жуда катта, бебаҳо кучдир. Бу куч халқ зиёлиларининг аҳил, жипслашган отряди. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг ишончли таянчидир.

Ўқитувчилар съезди ҳақли суратда олий педагогика кенгаши деб аталмоқда. Бу съездда муҳокама этилаётган масалаларнинг муҳимлиги ва бу масалаларга ёндашишнинг ўзи шу билан белгиланади. Бу ёндашув республикада халқ маорифини янада ривожлантириш тўғрисидаги астойдил ғамхўрлик билан бажарилиб турилиши керак.

Мактабни битириб чиққан йигит-қизлар қаёққа борадилар? Улар ким бўлиб етишадилар? Қандай киши бўладилар? Булар — катта давлат аҳамиятига молик масалалардир. Шу боисдан ўқувчиларга таълим беришни ижтимоий фойдали меҳнат билан қўшиб олиб бориш, ишлаш иштиёқинигина эмас, шу билан бирга яхши ишлай олиш маҳоратини ҳам шакллантириш ўқувчиларни тарбиялашнинг энг муҳим шартидир. Ёшларни касб танлашга йўллаш ишида умумий таълим мактабининг куч-ғайратлари билан ҳунар-техника билим юртларининг куч-ғайратларини бундан буён ҳам бирлаштиришни давлат манфаатлари тақозо этмоқда. Яна шу нарса ҳам жуда муҳимки, ишчилар синфининг сафлари мактабларни битириб чиққан энг яхши йигит-қизлар ҳисобига кенгайтирилиши керак. Мактабларнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан алоқалари маҳкамроқ, ҳар томонлама, энг муҳими эса, самаралироқ бўлиб қолди. Бу эса механизаторларнинг катта ва малакали армиясини вужудга келтиришга ижобий таъсир ўтказмоқда. Ўқитувчиларимиз ўқувчиларга мустаҳкам билим бериш билан бирга моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги меҳнатга меҳр-муҳаббат уйғотаётганликлари ҳам жуда яхши. Ишнинг бу муҳим участкасига эътиборни бундан буён ҳам сусайтирмаслик, колхоз ва совхозларнинг ишончли таянчи — ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаларини янада ривожлантириш ва уларнинг фаолиятини яхшилаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиш лозим.

Ёшларнинг меҳнат тарбияси ғоявий-сиёсий, ахлоқий ва эстетик тарбия билан чамбарчас боғланган. Бу — бир бутун узлуксиз жараёндир. Ёшларда актив ҳаётий позицияни, ижтимоий бурчга содиқликни кун сайин, соат сайин ҳосил қилиб бориш керак.

Ёшларни ҳаётбахш совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида, барча халқлар билан бузилмас қардошларча дўстлик ва самимий иззат-ҳурмат руҳида тарбиялаш мактабнинг муҳим вазифасидир. Ўқувчиларнинг рус тилини чуқур ўрганиши масалалари тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилишимиз лозим. Рус тили миллатлараро алоқа ва ҳамкорликнинг амалий воситаси, социалистик миллатлар яқинлашуви жараёнининг қудратли тезлатгичидир.

Биз фан-техника гуркираб ривожланган даврда, илмий ахборотнинг шиддатли оқими зўрайиб кетган асрда яшамоқдамиз. Бундай шароитларда бизнинг мактабларимиз ўқувчиларни теран ва мустаҳкам билимлар билан қуроллантириши керак. Бундай билимлар фан тараққиётининг энг замонавий даражасини ифодалайдиган бўлсин.

Халқимиз умр бўйи ўқиш керак, деб ҳақ гапни айтади. Бу қадимги, лекин эскирмайдиган ҳақиқат ҳаммага, биринчи навбатда бошқаларни ўқитаётган кишиларга тааллуқлидир. Ўқитувчи кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, педагогика ўқув юртларининг таълим, тарбия ва илмий-тадқиқот фаолиятини ҳар томонлама яхшилаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиш зарурлиги ана шундан келиб чиқади.

Ш. Р. Рашидов пировардида бундай деди: бутун халқнинг диққат-эътибори ва иззат-ҳурматига сазовор бўлган республикамизнинг ўқитувчилари совет педагоги деган юксак номга бундан буён ҳам муносиб бўлаверадилар, ўз бурчлари ва вазифаларини илҳомбахш, ижодий меҳнатлари билан оқлайверадилар, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсизлар.

Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг табрикномасини съезд президиумига топширади.

КПСС XXV съезди қарорлари ҳамда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Умумий таълим мактаблари ўқувчиларини ўқитиш, тарбиялаш ва уларни меҳнатга тайёрлашни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида умумий таълим мактаблари ишини янада такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон ССР маориф министри С. Ш. Шермуҳамедов доклад қилди.

Ўқитувчилар съезди ўз ишини давом эттирмоқда.

(ЎзТАГ).

